# КЕЛАЖАКНИ ЖАСОРАТЛИ ОДАМЛАР ҚУРАДИ

**Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1998 йилги якунлари ва 1999 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузаси**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

**тўла таъминлашга эришдик.**

1998 йилда мамлакатимизда бошоқли дон, айниқса буғдойдан юқори ҳосил олинди. Яъни, 3,5 миллион тонна ёки 1997 йилдагидан 15,4 фоиз кўп буғдой ҳосили олинди. Бу нафақат республика аҳолисини ун ва нон билан узлуксиз таъминлаш, балки жорий йилда ғалла муаммосини мутлақо янгича ҳал этиш имконини беради. Биз бу ютуқда, аввало, ижтимоий барқарорлигимизнинг гаровини, кафолатини кўрамиз. Энди биз халқимизни дунёда рўй берадиган ҳар қандай инқироз ва фалокатлардан ишончли ҳимоя қила оламиз.

Учинчи ютуғимиз. 1998 йилда ички бозорни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол моллари билан барқарор равишда тўлдириб борилди. Чакана савдо ҳажми 16 фоиз ўсди. Бунга кўп жиҳатдан ўзимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобидан эришилди. Саноат маҳсулоти умумий ҳажми 5,8 фоиз ўсиши билан, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,2 фоиз кўпайди. Макарон, ёрма, консервалар, гўшт, балиқ, дори-дармон каби муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортди ва уларнинг турлари кўпайди.

Тўртинчидан, 1998 йилда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, иқтисодиётни изчил ривожлантириш учун пухта пойдевор яратиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Иқтисодиётга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди. **1998 йилда 1.3 миллиард долларга яқин чет эл сармоялари ўзлаштирилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 22,6 фоиз кўпдир.**

Иқтисодиётимизга ётқизилган барча сармояларда чет эл инвестициялари ҳажми 20 фоизни ташкил этди. Бир қатор янги ва йирик иншоотлар ишга туширилди. Шўртан газ кимё комплекси, Хўжаобод ер ости газ омбори қурилишлари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш каби нефт-газ тармоғидаги инвестиция лойиҳалари фаоллик билан амалга оширилмоқда.

«УзДЭУавто» акционерлик бирлашмаси учун бутловчи маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва телекоммуникация тармоғини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинатининг ва Андижон биокимё заводидаги спирт ишлаб чиқарувчи қувватларнинг иккинчи навбати, Ангрендаги каолин фабрикасининг биринчи навбатини қуриш, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч аэропортларини тубдан қайта таъмирлаш ишлари кенг кўламда давом этмоқда.

Биз учун янги, ҳаётий аҳамиятга молик транспорт коммуникацияларини қуриш, мавжуд темир йўлларни электрлаштириш, Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар автомобил йўлининг Қамчиқ довонидан ўтувчи қисмини реконструкция қилиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган ТРАСЕКА лойиҳасини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Бешинчидан, 1998 йил давомида юритилган валюта сиёсати бир қатор стратегик вазифаларни ҳал этиш имконини берди: Ташқи савдо оборотида 240 миллион АҚШ доллари ҳажмида ижобий сальдо бўлишига эришилди. Мамлакат олтин-валюта захирасининг ўсиши таъминланди. Биржадан ташқари валюта бозорининг роли кенгайди ва мустаҳкамланди.

Барчангизга маълумки, 1998 йил мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан оила манфаатларини таъминлаш мақсадида махсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилди.

Жумладан, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, оила манфаатларини, оналик ва болалик ҳуқуқини қонуний жиҳатдан янада муҳофаза қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Оила соғлиғини сақлаш ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Оилага хизмат қилувчи инфраструктура (айниқса қишлоқ жойларида) сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ва маданий манфаатларини таъминлаш борасида бир қанча ишлар қилинди. Буларнинг бари оилани мустаҳкамлаш, унинг моддий аҳволини яхшилаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида оиланинг ўрни ва таъсирини кучайтириш имконини берди.

Ўтган йил натижаларини умумлаштирар эканмиз, эришган энг катта ютуғимиз, аввалямбор **одамларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллиги ўсиши, тафаккури ва руҳияти, ҳаётга муносабати ўзгариши десак, асло муболаға бўлмайди.**

Бугун бошқарув тизимига юқори билимли, яхши малакали, ўтказилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини тўғри тушунадиган мутлақо янги одамлар келмоқда. Муҳими, халқнинг ўзи ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Бунга кўп жиҳатдан маориф тизимидаги ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг амалга оширилиши омил бўлмоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Ўтган йил якунларини танқидий нуқтаи назардан баҳолаганда, йил мобайнида йўл қўйилган кўпгина камчилик ва хатолар, олдимизда турган муаммо ва нуқсонлар бизни ташвишга солмоқда. Аввалямбор шуни таъкидлашимиз керакки, биз айрим макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича мўлжалланган даражага чиқа олмадик. Кўплаб корхоналар ўзлари учун белгиланган экспортга маҳсулот чиқариш вазифасини уддалай олмади.

Кўрилган чора-тадбирларга қарамай, ўзаро тўловлар муаммосига барҳам бериш вазифаси ҳал этилмади. Ҳамон муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажми кўплигича қолмоқда. Бу, айниқса, «Ўзнефтмаҳсулот» корпорацияси, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, Энергетика вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарга тегишлидир.

Шунингдек, «Ўзэлтехсаноат», «Ўзбекенгилсаноат» уюшмалари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа тармоқларга қарашли корхоналарнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Айниқса, 300 га яқин корхона йилни 7,2 миллиард сўм миқдоридаги зарар билан якунлагани ачинарли ҳолдир.

Ўтган йили «Ўзбек ипаги» уюшмаси фаолияти ниҳоятда қониқарсиз бўлди. Ҳукумат даражасида махсус қарор қабул қилиниб, мамлакатимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу тармоқ «Ўзбекенгилсаноат» таркибидан чиқарилиб, унга мустақил мақом берилган эди. Бироқ, тармоқ раҳбарияти ишни кўнгилдагидек ташкил эта олмади. Ишлаб чиқариш ҳажми 17,6 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса 15,3 фоиз камайишига йўл қўйилди.

Ипак хомашёси иплари ишлаб чиқариш икки баробар, шойи матолар 60 фоиз, тикув маҳсулотлари 22,6 фоиз камайиб кетди. Уюшма бугунги кунда бюджетга тўловлар бўйича 372 миллион сўм, иш ҳақини тўлаш бўйича эса 104 миллион сўм қарз бўлиб қолди.

Ана шундай камчиликлар учун уюшманинг юқори лавозимдаги раҳбарларини ишдан четлатишга мажбур бўлдик. Бу тармоқни замонавий фикрлайдиган кадрлар билан мустаҳкамлаш борасида ишларни давом эттириш керак.

Ўтган йили аҳоли ва корхоналарнинг бўш маблағларини хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш масаласи ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Айниқса, тўғридан тўғри чет эл сармояларини жалб этиш борасидаги ишлар яхши ташкил этилмади.

Кичик ва ўрта бизнесни, шахсий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни ҳам тубдан яхшилаш талаб қилинади.

Жанубий-Шарқий Осиё ва Россияда рўй берган молиявий инқироз, умуман, жаҳон иқтисодиётида вужудга келган вазият биз учун ҳам сезиларли муаммоларни келтириб чиқарди. Жаҳон бозорида биз чиқарадиган маҳсулотлар коньюктураси кескин пасайиб кетди. Жаҳон миқёсидаги молиявий инқироз натижасида муҳим минерал-хомашё ресурслари ва стратегик хомашёлар нархи пасайиши давом этди.

Шу жумладан, ҳозирги вақтда мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг асоси бўлган - пахта, қимматбаҳо ва рангли металлар, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг жаҳон бозорида нархлари тушиши бизга қандай таъсир кўрсатгани ҳақида гапириб ўтиш ортиқча, деб ўйлайман. Шулар ҳисобидан биз 1998 йилда юзлаб миллион доллар зарар кўрганимизни айтиб ўтишга мажбурман. Бу, табиий равишда, валюта тушумларига, тўлов балансига, алоҳида тармоқларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва ривожлантиришга салбий таъсир ўтказди.

Мен илгари ҳам айтган яна бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Бу ўтган йили қишлоқ хўжалигида, айниқса пахтачиликда рўй берган ноқулай шарт-шароитдир. Об-ҳавонинг ёмон келиши оқибатида биз пахта хомашёси, қанд лавлаги, сабзавотлар бўйича мўлжалдагидан анча кам ҳосил олдик. Бу эса ўз навбатида, қайта ишлаш корхоналарининг ва улар билан боғлиқ бошқа соҳаларнинг фаолиятига, шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ривожига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди.

Шу муносабат билан олдимизда мураккаб вазифа турибди: биз жаҳон нархларининг тушиб кетиши ва 1998 йилда пахта ҳосилининг камайиши оқибатида кўрган зараримизнинг ўрнини қоплаш йўллари ва манбаларини излаб топишимиз керак.

**Пахта нархи даражаси тушиб кетиши оқибатида бизнинг пахта етиштирувчиларимиз, қишлоқ хўжалигида ишловчилар, деҳқонларимиз зарар кўришига, бундан азият чекишига йўл қўя олмаймиз ва бу масала бўйича тегишли чораларни кўрмокдамиз.** Бугунги кунда пахта экспортимизнинг энг муҳим қисми, шундан келиб чиққан ҳолда валюта тушумларининг энг муҳим манбаи эканини унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли дўстлар!

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига салбий таъсир ўтказган ташқи сабаблар билан ўз-ўзимиз томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни заррача бўлсин оқлашга, хас-пўшлашга сабаб бўлмаслиги лозим.

Биринчи навбатда, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, бу борада бизнинг масъулиятимиз ва ана шу ислоҳотларнинг моҳиятини тушуниш ҳақида қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда. Бу аввало бошқарувнинг ўрта бўғини раҳбарларига тегишлидир. Кўплаб илғор ғоя ва таклифлар, таъбир жоиз бўлса, ана шу ботқоққа ботиб қолмоқда.

Бугун бизни ўтказилаётган ислоҳотларнинг суръатлари ҳам, уларни амалга ошириш натижасида эришилган натижалар ҳам мутлақо қониқтирмайди. **Мулкка, мулкдорларнинг шаклланишига, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган муносабат ниҳоятда секин ўзгармокда. Ҳолбуки, ана шу муносабат ислоҳотлар самарадорлигининг асосий мезони бўлиб хизмат қилиши лозим.**

Биз шу нарсага қайта-қайта ишонч ҳосил қиляпмизки, қачон корхона ёки хўжалик тепасида ҳақиқий мулкдор пайдо бўлса, қачон мулкдорнинг шахсий манфаатдорлиги, яъни мутлақо янги рағбат ва омиллар кучга кирса - хўжалик фаолиятининг натижалари ҳам мутлақо бошқача бўлиб, юқори даражага кўтарилиши муқаррар. Иқтисодиётимизнинг жуда кўп тармоқ ва соҳаларидан бу ҳақиқатни тасдиқловчи мисоллар келтириш мумкин.

Мисол учун қишлоқ хўжалигини олайлик. Бугунги кунда баъзи бировлар бу тармоқдаги натижаларнинг пастлигини турли хил, гўёки бизга боғлиқ бўлмаган турли сабаблар билан боғлашга уринмоқда.Лекин шу нарсага эътибор беринг, ўтган йили Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Ибрат номидаги жамоа хўжалиги ҳар гектар ердан 36,5 центнердан бошоқли дон ҳосили олди. Айни пайтда мана шу хўжалик ҳудудида жойлашган Шукуров фермер хўжалигида эса бу кўрсаткич 55 центнерни ташкил этди.

Агар, Бухоро вилояти Шофиркон тумани Мансур Одилов номидаги жамоа хўжалигида пахта ҳосилдорлиги гектаридан 24,8 фоизни ташкил этган бўлса, хўжаликнинг шундоқ ёнида жойлашган, тупроқ-иқлим шароити бир хил бўлган "Чўлибобо" фермер хўжалигида ҳар гектар ердан 44 центнердан пахта ҳосили олинди.

Бу ҳол мулк кимга қарашлилиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий хўжайини ким бўлиши нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини ўзи яққол кўрсатмайдими?

Саноатдан ҳам худди шундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мулкка муносабат ўзгариши қандай натижалар беришини қуйидаги мисоллар ҳам тўла тасдиқлайди. Давлат мулк қўмитасининг қарорига мувофиқ, 1998 йилнинг апрель ойида Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Пахтачисут» акционерлик жамияти хусусий корхонага айлантирилган эди. Бир йил давомида бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таққослама нархларда 33,3 миллион сўмликдан 64,4 миллион сўмликка, бошқача айтганда, деярли икки баравар ортди. Сут 2,5 баробар, мол ёғи 15 фоиз, пишлоқ 17 фоиз кўпайди. Фойда ҳажми эса 1,5 миллион сўмдан 7 миллион сўмга етди.

Яна бир мисол. Олмалиқдаги синтетик пояндоз мато ишлаб чиқарадиган «Тафтинг» акционерлик жамияти кейинги тўрт йил мобайнида янги шароитларга сира мослаша олмади. Жамиятнинг 1998 йил 1 чорагидаги қарзлари 30 миллион сўмдан ошиб кетди. Ишчилар 8 ойдан ортиқ вақт мобайнида иш ҳақи ололмадилар. Охир оқибатда корхона банкрот деб эълон қилинди ва "Долон" хусусий корхонасига (раҳбари Қодиров) сотиб юборилди.

Янги раҳбар иқтисодда қатъий тартиб ўрнатди. Ортиқча бошқарув бўғинларини йўқотди, технологияни такомиллаштирди. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларни кескин қисқартирди. Бозор маркетингини ўрганиб чиққач, ўзимизда патент олган технологияни асос этган ҳолда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини ўзгартирди.

Натижада қисқа вақт ичида яхши сифатли, ички бозорда ҳам, республикамиз ташқарисида ҳам харидоргир бўлган маҳсулот олишга эришилди. Бюджет ва кредиторлар олдидаги қарзлар тўланди. Иш ҳақи ўз вақтида олина бошлади. Йил якунларига кўра олинган 1 миллион сўмдан ортиқ фойда ишлаб чиқаришни замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлашга йўналтирилди.

Бу мисол ҳам, агар корхона тепасига мулкдор, ҳақиқий хўжайин келса, нималарга эришиш мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди. Биз доимо **ҳамма даражада маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш билан жиддий шуғулланиш зарурлигини таъкидлаймиз. Бироқ бу борада амалда жуда оз иш қилинмокда. Ички ва ташқа бозорларнинг тараққиёт тамойилларини яхши билмаслик натижасида корхоналар, қўйингки, бутун мамлакат катта зарар кўрмокда.** Айрим тармоқ ва корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатга бардош беролмаслиги оқибатида ўз харидорини тополмай омборларда ётибди.

1999 йилнинг 1 январигача бўлган ҳолатга кўра тайёр маҳсулот қолдиғи ўсиб бориб, 53,5 миллиард сўмликка етди. Айниқса «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг», «Ўзкимёсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «Озиқ-овқатсаноат» ва бошқа уюшмаларда тўпланиб қолган маҳсулот ҳажми тез ўсиб бормокда.

Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш яхши йўлга қўйилмагани, ташқи бозорлар конъюктурасини билмаслик, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилмагани туфайли мамлакатимиз бўйича марказлашмаган ҳолда экспортга маҳсулот чиқариш топшириғи атиги 45 фоиз бажарилди. Бу борада «Ўзгўштсутсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўзкимёсаноат», «Озиқ-овқатсаноат, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаларида қолоқликка йўл қўйилди.

«Тоштекстилмаш» ҳиссадорлик жамияти яқингача ҳам ватанимиз машинасозлигининг дарғаси ҳисобланар эди. Бироқ ҳозирги бозор муносабатлари шароитида унинг раҳбарияти (бош директор Хейлик)ишлаб чиқаришни тўғри йўналишга сололмади. Маркетинг тадқиқотларининг йўқлиги, хорижий шериклар топа билмаслик чет эл бозорларини бутунлай йўқотишга олиб келди.

Корхонада буюртмалар портфели шаклланмагани, мамлакатимиздаги асосий буюртмачилар - замонавий тўқув дастгоҳлари ва эҳтиёт қисмларга эҳтиёжи бўлган енгил саноат корхоналаридан буюртмалар тушмаётгани ҳам шулар ҳисобидан.

Буюртмалар йўқлиги натижасида корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидан атиги 20 фоиз атрофида фойдаланилмоқда. Табиийки, корхона йилни зарар билан якунлади. Ўйлайманки, биз **мана шу ва шунга ўхшаш корхоналар фаолиятининг тагига етиб боришимиз ва тегишли чоралар кўришимиз зарур.** Шу мақсадда Бош вазир Ўткир Султонов бошчилигида махсус комиссия тузиш керак. Комиссия бундай корхоналарнинг келажагини ҳал қилиш, керак бўлса уларни банкрот деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилсин.

Турли корхоналарнинг иш фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, қаерда раҳбарлар маркетинг билан жиддий шуғулланса, яъни чиқарадиган маҳсулотини сотадиган бозорини чуқур ўрганса, ўша ерда иш бир маромда изчил давом этмоқда, фойда кўрилмоқда, ишчилар ўз дивидендларини, иш ҳақларини вақтида олмоқда.

Мисол учун «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида (Бош директор Ҳасанов) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш ҳажмларини кўпайтиришга имкон берадиган аниқ маркетинг дастури ишлаб чиқилган. Агар, 1996 йилда атиги 90 тонна нитрон толаси сотилган бўлса, 1997 йилга келиб бу кўрсаткич 3,4 минг тоннага, ўтган йили эса 5,7 минг тоннага етди. Натижада нитронни сотишдан тушадиган маблағ 1996 йилда 108 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб бу кўрсаткич 6,1 миллион АҚШ долларига етди.

**Кўплаб корхоналарда ишлаб чиқаришни янги техника воситалари билан қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, зарур маблағ ва молиявий таъминот манбааларини қидириб топиш борасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас.**

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, яъни замон талаби даражасига кўтариш ишлари амалга оширилган бўлса, ўша ерда рақобатбардош маҳсулот ҳажми кўпайиши билан бирга, молиявий кўрсаткичлар ҳам сезиларли даражада яхшиланиб бормоқда. Ва, аксинча, қаерда модернизациялаш йўлга қўйилмаган бўлса, ўша ерда сотилмай ётган маҳсулот ҳажми тез суръатлар билан кўпайиб бормоқда, айланма маблағлар етишмаслиги кескин муаммо бўлиб қолмоқда. Бир мисол. 1997 йилда япон грантлари доирасида «Шаҳрисабз консерва» ҳиссадорлик жамиятида хорижга сотишга мўлжалланган помидор пасталарини чиройли идишларда қадоқлаб берадиган линия ўрнатилдики, бу мазкур маҳсулотга талабни ошириб, импорт ҳажмининг кўпайишига олиб келди. 1997 йилда корхона экспортга 463 минг долларлик маҳсулот чиқарган бўлса, 1998 йилда экспорт ҳажми 2,4 миллион долларга етди ёки 5 баробар кўпайди. Корхона дебиторлик қарзларидан бутунлай қутулди.

Англиялик ҳамкорлар билан корхона базасида табиий шарбат ишлаб чиқариш ва уни "Тетра Пак" қоғоз қутичаларига қуйиш, маҳсулотни хорижга сотиш имкониятини берувчи "Мевалар камалаги" қўшма корхонаси ташкил этилди. Айни кунда нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам Шаҳрисабз шарбатларига талаб катта. 1998 йил Халқаро кўргазмаларда мазкур корхона маҳсулотлари учта олтин медаль олгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Қани, шу залда ўтирган ҳоким ва вазирлар, бирлашмалар раҳбарлари, сизлар айтинглар: қачонгача бундай тадбир ва таъбирларни сизларга тарғибот ва ташвиқот қилиб ўтиришим керак? Жавоб бериш вақти келмадими?

**Қачон жойдаги ҳукумат ҳудудий органлари ва корхона раҳбарлари инвестор излаш билан мутлақо жиддий шуғулланади? Ва улар билан тил топиб, уларни чорлаб, керак бўлса қулоғидан тортиб, ўз юрти ва ҳудудига олиб киради?**

Минг афсуски, жойларда мутлақо тескари аҳволни кўриш мумкин. Хорижий инвесторларнинг ўзлари югуриб-елиб ҳамкор излашади, ўзининг имкониятларини таклиф қилади. Биз эса ноз қиламиз. Чет эллик инвесторлар айрим ҳолларда баъзи бир идора ва корхона раҳбарларининг жиноятқорона, мен бу гапни алоҳида маъно бериб айтмоқчиман, жиноятқорона совуққонлигига, тўрачилигига,сансалорлигига дуч келмокда.

Ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш сув-ҳаводек зарур бўлиб турган бир шароитда айрим идоралар йиллик инвестиция режаларини барбод қилмоқда. Масалан, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси йиллик инвестиция ҳажмининг атиги 3, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» 3, «Ўзбекмебель»1,5, «Ўзолмосолтин» 1,8 фоизини ўзлаштирди, холос.

Бундай кўнгилсиз ҳодисалар сабабини мутасадди органлар синчиклаб ўрганиши, мазкур тизим раҳбарлари ўз жавобгарлигини сезишлари керак.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш суръатларининг пастлигини кўплар маблағ йўқлиги билан изоҳлайди. Аслида шундаймикин? Дейлик, нега корхоналарнинг акцияларини эркин сотиш, аввало хорижий инвесторларга сотиш эвазига қўшимча маблағ олиш имкониятидан мутлақо фойдаланилмаяпти?

Акция пакетлари ҳажмини белгиланган талаблар даражасига келтириш жараёнида эркин сотишга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотишга мўлжалланган акциялар ҳажми 57 миллиард сўмга ўсди. Лекин шунга қарамасдан бор-йўғи 8,8 миллиард сўмлик акция сотилди. Бу ялпи акция ресурсларининг 15,4 фоизини ташкил этади, холос.

Энг кам миқдорда сотилган акциялар «Ўзқишлоқхўжаликмаш — холдинг», «Ўзэлтехсаноат», «Ўзмашсаноат, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзтранспортқурилиш», «Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги» ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг реал манбалари бор. Лекин биз ундан оқилона фойдаланмаяпмиз.

**Рақобат муҳити, самарали ва таъсирчан бозор инфратузилмасини тузишга эътибор берилмаяпти. Ярмарка савдоси ўта бўш ташкил этилган.**

Товар ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида боғловчи бўғин бўлган товар-хомашё биржаларининг таъсири сезилмаяпти. Айрим товар ишлаб чиқарувчиларнинг яккаҳокимлигига чек қўйиш, нархларни арзонлаштиришнинг йўлларини излаш мазкур идоранинг бевосита вазифаси эмасми?!

Яна бир бор шунга иқрор бўлишимиз шарт. Камчиликларнинг сабабини суриштирсанг чиқаверади. Лекин уларнинг барчаси пировард натижада **кадрларнинг профессионал тайёргарлигига ва қобилиятига, масъулиятни ҳис этишига, замонавий менежмент, маркетинг сир-асрорларини нечоғли эгаллаб олганига, янги бозор шароитида ишлай билиши, мустақил қарорлар қабул қилиши зиммасига масъулият ола билиш лаёқатига, керак бўлса жасоратига бориб тақалади.**

Кўпгина ташкилот ва корхоналарнинг ночор аҳволга тушиб қолганининг ҳақиқий сабаби ва илдизи айнан мана шундадир.

Муҳтарам мажлис қатнашчилари!

Жорий йилдаги вазифаларимиз ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман.

1999 йил мазмун ва моҳиятига кўра ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда алоҳида ўрин эгаллайди. Бу йилни янги минг йиллик арафасидаги сўнгги зинапояга қиёс этсак асло хато бўлмайди. Бу боис биз учун 1999 йил иқтисодий ислоҳотларнинг стратегияси ва устивор йўналишларини янги XX1 асрнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз учун мақсад бўлиб қоладиган истиқболларини аниқлаб олиш ўта муҳимдир.

**Бошқача айтганда, 1999 йил белгилари 2000-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурига мустаҳкам пойдевор яратиши керак.**

Шу муносабат билан мен диққат-эътиборингизни жамиятимизни ислоҳ қилишнинг маъно-моҳиятини ташкил этувчи айрим жиддий масалаларга қаратмоқчиман.

Ислоҳотларимизнинг муҳим жиҳатларидан бири - **ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун** деган тамойилини принципини рўёбга чиқаришдир.

Мазкур принципнинг амал қилиши деганда биз нимани тушунишимиз керак? Жавоб аниқ. Одамлар ислоҳотларнинг амалдаги самарасини ҳис этиб, **ўз манфаати, истиқболи учун қилинаётган ҳар бир саъй-ҳаракатни кўриб-сезиб турсин.**

Мазкур пировард мақсадга эришиш, зарур шарт-шароитларни шакллантириш учун ўтган йиллар мобайнида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Сўнгги 3 йил мобайнида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришибгина қолмай, иқтисодий юксалиш учун реал шарт-шароитлар яратилди.

Иқтисодиётимизнинг бошқарув заминини ва тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, устивор тармоқларни изчил ривожлантириш натижасида 1997 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига нисбатан ўсиши, бинобарин, халқнинг турмуш даражаси юксалаётгани кўзга ташлана бошлади.

**Энди шундай қилиш керакки, бу ютуқларимизни бой бериб қўймайлик, аксинча, ўсиш, ривожланиш жараёни изчил ва муқаррар тус олсин, шунинг ҳисобидан ҳаётимиз тобора барқарорлашсин.**

Энг муҳими, мазкур жараёнларнинг баракали таъсири туфайли аввало аҳоли даромади барқарорлашмоғи керак. 1999 йил бу борада алоҳида ўрин тутмоғи зарур. Энг муҳими, мамлакатимиз аҳолисини молиявий ва иқтисодий танглик лар туфайли ён-атрофимизда содир бўлаётган ҳар хил ларзалар, бало-қазолардан асрашимиз даркор.

**Шу муносабат билан аҳоли ижтимоий ҳимоясини мен 1999 йилнинг биринчи ва энг муҳим устивор вазифаси деб атаган бўлардим.**

Ижтимоий ҳимоя ҳақида гапирар эканмиз, биз аввало, иқтисодиётимиз барча бўғинларининг изчил ва барқарор ривожини таъминлашни, аҳолининг даромади кам табақаларини, муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга, жойларда, биринчи навбатда қишлоқларда янги иш ўринлари яратишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини назарда тутамиз. Одамларимиз ҳаётининг моддий базасини мустаҳкамлашни назарда тутамиз.

Шу ўринда хусусий тадбиркорликни, ишбилармонликни ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларга шароит туғдириб бериш ўта муҳимлигини айтиб ўтмоқчиман.

Юқорида зикр этилганларнинг барчаси оила фаровонлигида, унинг даромади, иш ҳақи, турмуш даражасининг ўсишида ўз ифодасини топмоғи зарур.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш дастурининг бажарилиши, аҳолининг ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланиши доимий диққат-эътиборимизда туриши керак.

Шу мақсадда Ҳукуматга ва барча манфаатдор идораларга қишлоқ жойларидаги табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланмаган аҳоли пунктларининг аниқ рўйхатини олишни топширмоқчиман. Ва барча имкониятларимиздан келиб чиқиб, мазкур аҳоли пунктларига табиий газ ва ичимлик суви олиб келишнинг аниқ муддатларини белгилаб олишни, қуруқ ваъдалардан амалий ишларга ўтишни мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман. Яъни, содда қилиб айтганда, ичимлик суви билан таъминланишда қийинчилик кўраётган ва табиий гази бўлмаган қишлоқлар ва аҳоли пунктлари ўзларига аниқ тасаввур қилишлари керак: уларнинг муаммоси қачон ва қайси муддатларда ечилади?

Ушбу тадбир жадвали ва муддатлари зарур барча моддий, молиявий ресурслар билан таъминланиши, ҳукумат, вилоят, туман ҳокимликлари томонидан қаттиқ назорат остига олиниши керак.

Эътиборингиз учун айтмоқчиман: 1999 йилнинг ўзида ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасини молиялашга 282 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилмоқда. Бу умумий харажатларимизнинг 47 фоизини ташкил этиб, 1998 йилга қараганда 37 фоиз кўпдир.

Табиийки, аҳоли фаровонлигини ва барқарорлигини мустаҳкамлаш деган мақсадларга етишмоғимиз учун, нафақат иқтисодий соҳани ривожлантириш, аввалямбор, инсоннинг сиёсий ва маънавий ҳаётини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, унинг эркинлиги ва танлаш ҳуқуқини таъминлаш, мавжуд имкониятларни рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш орқалигина эришмоғимиз мумкин.

**Иккинчи устивор йўналиш** — ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва 1999 йилда қабул қилинган хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, корхоналарни кенг кўламда акциялаштиришнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди, биз йирик корхоналарда мулк шаклини ўзгартириш даврига етиб келдик. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар ҳам, ташкилий ва таркибий шарт-шароитлар ҳам яратилди.

1999 йилда жами 565 та объектни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўзда тутилган. Жорий йилда хусусийлаштириш эвазига 26,4 миллиард сўм, жумладан фонд бозорида сотиладиган акциялардан 18,7 миллиард сўм маблағ олишни мўлжаллаяпмиз. Республика ва маҳалллий бюджетларга 17 миллиард сўм атрофида маблағ тушиши керак.

Хусусийлаштиришнинг умумий дастурида чет эл инвесторлари ҳам иштирок этишади. Айни замонда чет эллик ҳамкорларга индивидуал лойиҳалар бўйича 15 та йирик корхонанинг акция пакетларини сотишни ҳам назарда тутганмиз. Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси, «Навоийазот «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Андижон биокимё заводи, Самарқанд кимё заводи, Тошкент аэропорти, Қизилқум фосфорит комбинати шулар жумласидандир. Бундан ташқари чет эл инвесторлари учун биржа ва нобиржа савдосига 23 та корхонанинг акцияларини қўймоқдамиз. 39 та корхона ва объектларни эса умуман хорижий инвесторларга сотмоқчимиз.

Вазирлар Маҳкамаси, Давлат мулк қўмитаси олди-сотди ишларини қаттиқ назорат остига олсин. Чет эл маблағлари иштирокида хусусийлаштириш режаларини биринчи навбатда амалга оширишимиз керак.

**Учинчи устивор йўналиш** — иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурининг бажарилишини таъминлаш, корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, рақобатбардош ишлаб чиқариш тизимларини бунёд этиш ўта муҳим масаладир.

Ватанимизнинг келажаги, унинг жаҳон хўжалик алоқалари тизимидаги

**(Давоми 3-бетда)**

# КЕЛАЖАКНИ ЖАСОРАТЛИ ОДАМЛАР ҚУРАДИ

**Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1998 йилги якунлари ва 1999 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузаси**

**(Давоми. Боши 1-2- бетларда)**

ўрни мана шунга боғлиқ бўлиб турибди.

**Чет эл капитали иштирокидаги инвестиция лойиҳаларига ва энг аввало, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тараққиёт ва таъмирлаш банки, Осиё тараққиёт банкига ўхшаган халқаро молия тизимлари лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур.**

Шу кунга қадар ҳажми 10 миллиард доллар бўлган чет эл сармоялари иштирокидаги 200 та инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. **Биргина 1999 йилнинг ўзида 2 миллиард доллар ҳажмида чет эл сармояларини ўзлаштиришимиз керак. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўпдир.**

Қайта-қайта айтмоқчиман: чет эл капитали иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида, кам-кўстсиз ўзлаштириш биз учун ор-номус иши бўлиши керак.

Мен бу гапларни авваламбор, биз учун стратегик аҳамиятга молик қурилишлар, объектлар жуда зарурлиги учунгина айтаётганим йўқ. Муҳими, жаҳон сармоядорлари бизга сармоя беришяпти, бизга ишонишмоқда! **Биз ана шу ишончни қадрлашимиз, ишончга муносиб бўлганимиз билан фахрланишимиз, узоқ йиллик меҳнат ва қийинчиликлар билан эришган обрўйимизни ва қадримизни ерга урмаслигимиз керак.**

**Тўртинчи устивор йўналиш — бу қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдир.**

Вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари билан бўлган учрашувда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари, қишлоқ қиёфасини ўзгартириш борасидаги, вазифалар, қишлоқ хўжалигига жорий этиш зарур бўлган, бугунги замон талабларига жавоб берадиган янгича иқтисодий, аграр муносабатлар ҳақида батафсил тўхталган эдим.

Яна такрорлайман: қишлоқ хўжалигида ислоҳот ўтказишнинг моҳияти учта мазмунан ягона вазифада мужассамлашган, яъни:

— деҳқонга ер ва мулкка, жамоа даромадининг муайян қисмига эгалик ҳуқуқини берувчи мулкий пайни жорий этиш;

— жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)га айлантириш;

— оилавий пудратни жорий этиш.

Ҳадемай баҳор фасли шабадалари юртимизга кириб келади. Баҳорги ишлар, уларга тайёргарлик ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, деҳқонларимизнинг дарду ташвишларини кўзлаб, яна бир бор эътиборингизни қуйидаги масалаларга жалб қилмоқчиман:

биринчидан, деҳқонларимиз билан, хўжаликлар билан ўтган 1998 йил учун барча ҳисоб-китобларни якунига етказиш;

иккинчидан, экиш масалаларини пухта ўйлаб, уруғни ҳозирдан тайёрлаб қўйиш;

учинчидан, техникани, экиш агрегатларини шай қилиб қўйиш;

тўртинчидан, яна ва яна бир бор ерга, шўрни ювишга алоҳида эътибор бериш;

бешинчидан, баҳорги юмушларни - экиш мавсумини сифатли ўтказиш учун деҳқонларни рағбатлантириш ишларини пухта ўйлаб кўришдир.

Кейин, вақтни бой бергандан сўнг сабаб қидириш, пушаймон бўлиш, надоматларга ботиб кетишга йўл қўймаслик даркор.

Иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатимиз равнақи, ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг тўқ, фаровон ҳаёт кечириши пировардида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг нечоғли амалга оширилишига боғлиқ. Оддий деҳқондан тортиб юқори лавозимда ўтирган раҳбаргача буни унутмаслиги керак.

**Бешинчи устивор йўналиш — кичик ва ўрта бизнесни кенг кўламда ривожлантиришдан иборат.** Бу масалага биз жуда жиддий ва муттасил эътибор бермоғимиз даркор. Ўрта ва кичик бизнес яхши йўлга қўйилса, аҳолини, айниқса қишлоқ хўжалигидан бўшаган ишчи кучларини иш билан таъминлаш, маҳаллий хомашё, деҳқончилик ва қурилиш ресурсларини қайта ишлашни такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини халқ истеъмол моллари ҳамда хизматлар билан таъминлаш каби долзарб муаммоларни бартараф этиш мумкин.

Энг муҳими - кичик ва ўрта бизнес воситасида реал мулкдорлар табақасини шакллантириш мумкин бўлади. **Шундай қилайликки, иқтисодиётимиз тизимида, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимида кичик ва ўрта бизнес етакчи кучга айлансин.**

Бу борада анча ишлар қилинди. Аммо талай муаммолар ҳам борки, бунга аввало Давлат мулк қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, барча поғонадаги ҳокимликлар алоҳида эътибор беришлари зарур деб ўйлайман.

Етакчи халқаро молиявий тизимлар - Европа тараққиёт ва таъмирлаш банки, Осиё тараққиёт банки, Олмониянинг КФВ банки ва бошқа қатор банклар кредит тармоқлари орқали кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликка ажратилган маблағларни ўз вақтида ўзлаштиришни йўлга қўймоқ керак.

Давлат мулк қўмитаси, Молия вазирлиги мазкур кредит тармоқларига хизмат кўрсатувчи банклар билан биргаликда аҳволни атрофлича ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасига мавжуд ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга доир таклифлар киритсинлар.

Мазкур иш учун молия вазири Рустам Азимов, Давлат мулк қўмитаси раисининг муовини Абдулла Абдуқодиров, Миллий банк раиси вазифасини бажарувчи З.Мирҳожиев, "Асакабанк" бошқаруви раиси Р.Орипов ва бошқа тижорат банклари раҳбарлари шахсан жавоб берадилар. Айтиб қўяй, сўров қаттиқ бўлади.

**Олтинчи устивор йўналиш** — Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, таълим тизимининг барча соҳаларини ислоҳ этиш.

Ўтиш даврининг энг мураккаб муаммоларини ечиш, бозор муносабатларини қарор топтириш, демократик жамият қуришга қодир билимдон, юқори малакали кадрлар тайёрлаш устивор вазифамиз эканлигини бугун яна бир бор сизларга эслатмоқчиман.

1999 йилда Академик лицейлар ва профессионал коллежлар қуриш дастурини амалга оширишга киришдик. Шу йилнинг ўзида ҳар бир туманда биттадан замонавий, лойиҳа талабларига жавоб берадиган коллежлар қуришимиз керак. Таълим тизимининг янги кошонасига пойдевор қўймоқда эканмиз, бу йўлда 1999 йил ҳал қилувчи йил бўлади. Айнан шу йилда янги ўқув дастурларини тайёрлаш ниҳоясига етиб, амалиётда қўллаб кўрилади. Бу дарсликлар асосида янги андозадаги ўқув юртларида минг-минглаб ўғил-қизларимиз билим ва тарбия олади.

Яна бир муҳим масала устида тўхталмоқчиман. Хабарингиз бор, **1999 йил Аёллар йили** деб эълон қилинди. Яқинда аёллар манфаатини таъминловчи махсус дастур қабул этилди. Дастурда кўзда тутилган барча тадбирлар сўзсиз бажарилиши керак.

Шу муносабат билан дастурий тадбирларни бир ёқлама талқин этиш, тор тушунишдан сизларни огоҳлантирмоқчиман. Шуни яхши англаб олиш керакки, дастурий тадбирларимиз бир кун ёки бир йил билан чегараланмайди. Муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимиз, аёлларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги мақоми ва мавқеини кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, манфаатини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимизнинг, жамиятимизнинг устивор йўналиши ва бош мақсадига айланиши лозим.

Аёллар учун ижтимоий фаолияти билан бола тарбиясини уйғунлаштиришга, соғлом авлодни вояга етказишга имкон берувчи барча шарт-шароитларни яратиб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Сайланадиган, ўз-ўзини бошқарадиган ва ижрочи ташкилотлар фаолиятида аёлларнинг кенг иштирокини таъминлайдиган таклиф ва тадбирларни қонуний равишда тасдиқлаб олишимиз даркор.

Вазирлар Маҳкамаси яқин кунлар ичида меҳнатнинг шароити оғир ва зарарли турларида банд бўлган, шунингдек боласи 3 ёшгача бўлган ишлаётган оналарга қўшимча имтиёзлар бериш ҳақида қарор қабул қилсин.

Аёллар ва болаларга аталган моллар нархини арзонлаштириш мақсадида керакли солиқ имтиёзларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир қўшимча имтиёзлар киритишни назарда тутган ҳолда фуқароларни нафақа билан таъминлаш ҳақидаги Қонунга ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тезлаштириш керак.

Доялик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг поликлиникаси, Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманидаги "Оналар ва болалар" санаторийси, Хоразм вилоятидаги "Хонқа" кўп тармоқли санаторий қурилиши алоҳида назорат остига олинсин, оналарни болалари билан қабул қилишга ихтисослашган санаторийлар тармоғи кенгайтирилсин.

Албатта, дастурда кўзда тутилган тадбирлар катта маблағ талаб этади. Ҳисоб-китоблар бўйича бу тадбирларни амалга ошириш учун тахминан 85 миллиард сўм маблағ ва харажатлар талаб қилинади. Шу жумладан, Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан камида 54 миллиард сўм.

Аммо биз дастур қабул қилар эканмиз, амалга оширмоқчи бўлган ишларимиз қимматини иқтисодий кўрсаткичлар, яъни пул билан, ёки қандайдир туҳфа, сийлов сифатида ўлчаш мутлақо енгил қараш деб биламан. Дастурнинг моҳияти биз ва сиз ўйлагандан кўра анча чуқурроқдир десак, ҳеч қандай хато бўлмас.

Дастурни амалга оширишдан маъно-мақсад қатор мезонлар мажмуи, **аввало, одамлар онг-шуури, жамият ҳаётида юксак маънавий, ахлоқий қадриятларнинг мустаҳкамланиши билан белгиланади.**

**Зеро, биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отгани билан баҳолаймиз.**

Аёллар йили деб эълон қилинган йилда биз белгилаган режалар ана шу олижаноб мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоғи даркор.

Муҳтарам дўстлар!

Мен 1999 йил ҳал этишимиз зарур бўлган энг муҳим, устивор вазифалар ҳақида тўхталдим, холос. Кўриб турганингиздек, бу вазифалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, пировардида бош мақсадимиз - халқ турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ислоҳотларимиз мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши, шак-шубҳа йўқки, ҳар бир фуқаронинг туб манфаатларига мос тушади.

Ишончим комилки, ислоҳотлар йўлидан янада собитқадамлик билан одимлаш учун мустаҳкам замин яратиш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб ва юксак турмуш шароитини таъминлаш, барқарор бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдек олий мақсадимизга албатта эришамиз.

Мана шу эзгу ниятлар йўлида барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ғайрат-шижоат тилайман.

# ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРОЛМАЙДИ

**(Давоми. Боши 1- бетда)**

деди Президентимиз Ислом Каримов воқеа содир бўлган жойда журналистларга берган интервьюсида. — Кўпорувчилик қилганларнинг мақсади — халқимизнинг тинчлигини бузиш, қўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончини сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларимизга зарба беришдан иборат бўлган. Шу орқали Ўзбекистон халқини ўзи танлаган йўлдан тойдириш, чекинтириш. Аммо, яна таъкидлаб айтаман, бизни ҳеч ким қўрқитолмайди, танлаганимиз — Ватанимизнинг мустақиллик йўлидан қайтаролмайди. Чунки халқимиз бизнинг юритаётган сиёсатимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Биз бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра ана шу ғоя атрофида янада қаттиқроқ жипслашишимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши орадан кўп вақт ўтмай Олий Мажлис биносида бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов пойтахтимизда рўй берган мудҳиш воқеага ўз муносабатини билдирди.

Давлатимиз раҳбари ушбу нохуш ҳодиса жамиятимизда пайдо бўлган ўта хотиржам кайфиятнинг оқибати эканини таъкидлади. Йўлбошчимиз ватандошларимизни мамлакатимиз ён-атрофида бўлаётган воқеалардан яна бир бор огоҳ бўлишга, тинчликнинг қадрига етишга чақирди. Баъзан шундайки, инсонлар воқеаларга юзаки қараб, охир оқибатда кўнгилсиз ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади ва буни ҳам табиий ҳолдек қабул қилади. Бу эса хатодир. Шундай экан, ҳар бир фуқаро юртимиздаги осойишталик, барқарорликка осонлик билан эришилмаётганлигини ҳис қилиши лозим. Мамлакатимизда ҳукм суриб келаётган тинчлик ва осойишталикни қадрлаш учун, унинг нақадар нодир неъмат эканлигига иқрор бўлиш учун айрим қўшни давлатлардаги воқеаларга разм солиш керак. Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида рўй берган портлаш хусусида тўхталиб, уни Президентга суиқасд қилишга уриниш, деб атади.

— Мени халқ сайлаган, — деди Йўлбошчимиз. — Шунинг учун мен, аввало халқимга суянаман. Чунки халқ - катта куч. Ўз халқимдан куч оламан. Мени, халқимни бундай пўписалар билан қўрқитиш қийин. Бинобарин, мустақиллик йўли, фаровон ҳаётга эришиш йўли осон ва хатарсиз кечмаслигини ҳам англамоғимиз лозим.

Президент Ислом Каримов мустақиллигимиз, тинчлик ва осойишталигимизга таҳдид солувчи ҳар қандай кучнинг пайи қирқилишини алоҳида таъкидлади. Бунга қурбимиз етади, шунга яраша куч ва имконимиз бор. Шу билан бирга юз берган воқеадан ҳеч ким ваҳимага тушмаслиги керак. Аксинча, бир-биримизга нисбатан янада меҳр-оқибатли бўлайлик.

— Ушбу портлашларни уюштиришдан яна бир мақсад кўзланган, — деди Ислом Каримов. — Сўнгги вақтда юртимизга хорижий сармоя оқими кўпаймоқда. Хорижлик ҳамкорлар билан улкан ишларни амалга оширмоқдамиз. Бу эса айримларга ёқмаяпти. Кимлардир ана шу сармоядорларни чўчитишни, уларни Ўзбекистонга сармоя ёткизишдан қайтаришни истайди.

Давлатимиз раҳбари айни чоғда юртимизда ёшларга алоҳида эътибор билан қаралаётгани, ижтимоий ҳаётда бу табақанинг мавқеи оширилганини таъкидлади. Ҳозир ҳур фикр, билимли ёшларнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги саъй-ҳаракати бутун мамлакатни қамраган. Улар замонавий усулда ўқимоқда, касб-ҳунар ўрганмоқда, хорижда таҳсил олмоқда. Муҳим вазифамиз ёшларимизнинг қабиҳ ниятли ёвуз кучлар қўлига тушиб қолмаслигини таъминлашдир.

— Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз,— деди Ислом Каримов, — уларни ўзимиз тарбия қиламиз, вояга етказамиз. Чунки улар мустақил Ватанимизнинг, эрксевар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилади.

Президент жойларда, хусусан, маҳаллаларда, ўқув муассасалари, масжидларда, бошқа жамоат жойларида пойтахтда содир бўлган қонли воқеанинг туб моҳиятини кенг муҳокама қилиш, аҳоли ўртасида мустақилликни мустаҳкамлаш, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, маънавиятни юксалтириш руҳидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлигини алоҳида уқтирди.

Мажлисда Ички ишлар вазири З.Алматов, Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р.Иноятовнинг ахбороти тингланди. Мажлисда Олий Мажлис раиси Э.Халилов сўзга чиқди.

Шу куни Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил якунлари ва жорий йил режаларига бағишланган йиғилиши ҳам Олий Мажлис биносида бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, ваҳимага тушишга асос йўқ. Ёвуз кучлар ҳар қанча уринмасин, пойтахтимизнинг, бутун мамлакатимизнинг осойишта ҳаётига раҳна сололмайди. Шаҳар транспорти, барча муассасалар ўз маромида ишлаб турибди. Ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Жароҳат олганларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари содир этилган жиноятни текшириш учун тезкор-тергов гуруҳлари ташкил этди. Жиноятчилар тегишли жазосини олади.

*(ЎзА)*

**Taklif**

# ХОЛИСЛИК МЕЗОНИ

Бир неча йилдан бери таълим тизимига тестнинг жорий қилиниши кадрлар тайёрлаш соҳасида туб ижобий бурилиш ясади. Тест қобилиятли ўқувчиларнинг ўқув юртларига адолатли қабул қилинишига имкон беради.

Ўзбек тили ва адабиёти фанидан тест жамғармасига киритилган топшириқлар ўз сифати, мантиқий мушоҳадаги ундаши, кўлами кенглиги билан диққатга лойиқдир. Тилшуносликнинг морфология, синтаксис, услубият бўлимларига алоқадор саволлар ўқувчиларни анча ўйлашга, тўғри ва чалғитувчи жавоблар устида изланишга, қўшимча илмий китобларни варақлашга мажбур қилади.

Морфология бўлими тест топшириқлари ўқувчидан масалага чуқур ёндошишни, бир-бирига ўхшаш ҳодисалар орасидаги нозик фарқни тўғри илғай олишни, нарса ва ҳодисалар орасидаги ўзаро ўхшашлик ва қарама-қарши фарқларни тўла англаш қобилиятини талаб қилади. Сифат ва равиш, равиш ва олмош, кўмакчи ва мустақил феъллар, сўз туркумларида кўчиш ҳодисаси, бир сўз туркумининг бошқа функцияни бажариши каби мавзулар доирасидаги саволлар нафақат дарслик материалларини чуқур билиш, балки қўшимча адабиётлардан хабардор бўлиш, пухта назарий тайёргарлик асосида масалага жиддий ёндошишни ҳам талаб қилади. Масалан, «Ахборотнома»нинг 1998 йил 11 сонида «ичида» сўзининг берилган гапларда равиш ёки кўмакчи вазифасида келганини аниқлаш топширилган. Ўқувчи мазкур топшириқни бажариш учун дарсликдан олган маълумотларни мантиқий тафаккур кузгусидан ўтказиб, берилган гапларни қиёсий ўрганади. Шу асосда тўғри хулосани танлайди. Ва ечимнинг тўғрилигини исботлаш учун «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ва бошқа манбаларга мурожаат қилади. Шу асосда икки ходиса - равиш сўз туркуми ва равишнинг кўмакчи сўз вазифасида қўлланиши орасидаги чегара чизиғини белгилайди.

Она тилидан тест топшириқлари бир-бирини тўлдириб, мукаммаллаштириб боради. Бу ҳол айни бир мавзунинг турли қирраларини ўқувчи теран ақлий салоҳият билан илғашини талаб қилади. Мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари орасидаги фарқ ҳақида 3 йиллик «Ахборотнома» журнали саҳифаларида бир қанча саволлар берилганки, уларнинг ҳаммаси учун хос бўлган хусусиятлар, ўхшаш ва фарқли томонлари ҳар даъфа янги бир қирраси билан акс этади. Масалан, қуйидаги саволларни чоғиштиринг 1. Сўзларни туркумларга ажратишда қайси хусусият ҳисобга олинади? (1996 йил 11сон) 2. Қайси қатордаги хусусият ёрдамчи сўзларга хос эмас? (1997 йил 4-сон) 3. Қайси сўзлар лексик маънога эга бўлади? (1997 йил 4-сон) 4. Лексик маъно билдирмайдиган сўзлар туркумини аниқланг. (1998 йил 8-сон) 5. Мустақил сўз туркумларига хос бўлган қуйидаги хусусиятлардан қайси бири юкламаларга ҳам хос? (1998 йил 8-сон) 6. Қайси хусусият барча сўз туркумларига хос эмас? (1998 йил 8-сон) ва ҳоказо.

Табиийки, саволларнинг бу тарзда қуйилиши ўқувчини қуруқ ёдлашга эмас, балки мушоҳада юритишга ундайди.

Худди шундай фикрни «Синтаксис бўлими» юзасидан тузилган саволлар хусусида ҳам айтиш мумкин. Бу топшириқлар бўлимни тўла қамраб олиши, пунктуация билан узвий алоқадорликда тузилгани, саволлар кўламининг кенглиги, синтактик таҳлилнинг турли қирралари (гап бўлаклари, таҳлил, сўз бирикмаси, гап турлари юзасидан таҳлиллар ва ҳоказо) ўзида акс эттира олганлиги билан характерлидир.

Адабиёт фанидан тест жамғармасига киритилган саволлар бевосита бадиий асар матнига таяниб тузилганлиги ижобий ходиса бўлиб, ўқувчининг билим даражасини белгилашда жуда қўл келади. «Алпомиш» достони (10-сон, 1998 йил), «Ўтган кунлар», «Юлдузли тунлар» (9-сон, 1998 йил) «Қиёмат» (2-10-сонлар 1998 йил романлари юзасидан тузилган саволлар бу жиҳати билан диққатга лойиқдир.

1998 йил «Ахборотнома» саҳифаларида аруз вазни, шеър санъати турлари ҳақида саволлар анчагина.

Чунки мактаб дастури асосида ўқувчи 5-синфдан бошлаб таҳрир, тажнис, талмеҳ, ҳусни таълил сингари қатор услублар билан танишиб боради. Айрим поэтик санъат турлари (масалан, иштиқоқ, иҳом, таносиб ва бошқалар) ҳақида мактаб дарслигида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Бу эса абитуриентларга муайян қийинчиликлар туғдириши шубҳасиздир.

Таклифларимиз: тест ўқувчи билимини баҳолашнинг энг адолатли мезони. Кўп вариантлилик тизими ўқувчидан тестни қуруқ ёдлаш эмас, балки мактаб дастурини чуқур билишни талаб қилар экан, мавжуд дарслик ва қўлланмаларни янада такомиллаштириш, абитуриент шахсий кутубхонасини «Ўзбек тилининг қисқача изоҳли луғати», «Ўзбек тили синоним, омоним, антоним ва паронимлари луғати», «Тилшунослик атамаларининг изоҳли луғати», «Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли луғати», «Ўзбек адиблари» сингари луғат ва антологиялар билан бойитиш, юқори синф ўқувчилари учун «Адабиёт назариясидан қўлланма»нинг мукаммал вариантини қайта нашр этиш лозим.

Маълумки, тест топшириқларини баҳолаш жараёни дифференциал тизимга асосланган. Яъни ўқувчи танлаган соҳада 1 - даражали саналган фандан ҳар бир тўғри савол учун 3,1 балл, 3 - даражали фан учун 1,1 балл олади. Демакки, тиббиёт соҳасига хужжат топширган ўқувчи химия фанидан биринчи мураккаблик даражасидаги оддий саволнинг тўғри жавоби учун 3,1 балл, она тили ва адабиётидан тўртинчи мураккаблик даражасидаги қийин савол учун эса 1,1 балл олади. Шуни ҳисобга олиб, жаҳон таълим тизимидаги илғор йўналишларни ижобий ўрганган ҳолда тест топшириқларини дифференциал баҳолаш тамойилини фанлар даражасига қараб эмас, балки саволларнинг мураккаблик ҳолатига қараб белгиланса, деган таклифни ҳам ўртага ташламоқчимиз. Яъни абитуриент 4-мураккаблик даражасидаги тест топшириғини бажаргани учун (у қайси фан бўлишидан қатъи назар) 3,1 балл, 3-даражасидаги мураккаб савол 2,1 балл ва ҳоказо баҳоланади. Бундай даражаланиш ўқувчининг «биринчи», «иккинчи» фанни чуқур тайёрлаб, «учинчи» фанга эътиборсизлик билан қарашига барҳам беради. Уларнинг барча фан асосларини янада чуқурроқ ва пухта ўрганишга бўлган эҳтиёжни кучайтиради.

**Гулнора ЯХШИЕВА,**
**Бухоро шаҳар 33-мактабнинг олий тоифали тил-адабиёт ўқитувчиси.**
**Обид СУЛТОНОВ,**
**Бухоро шаҳар 30-мактабнинг олий тоифали тил-адабиёт ўқитувчиси.**
**Фотима ХАЙИТОВА,**
**Бухоро шаҳар 30 мактабнинг1-тоифали ўқитувчиси**

# САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ

## «ХАЙР» АЛИФБЕ!...

Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур номидаги 112 мактабнинг 1«Г» синф ўқувчилари «Алифбе» байрамини ўтказишга ҳозирлик кўраётганларида мазкур тадбирнинг бу даражада қизиқарли ўтишини ўзлари ҳам кутмаган эдилар. Болалар завқ -шавқ билан ўйнаб-кулдилар, шеърлар ўқидилар, саҳна кўринишлари ва қўшиқлар ижро қилдилар. Айниқса, Камола, Шамшод, Мадина, Зиёда, Маҳбуба, Зумрад ва Шаҳноза ижросидаги чиқишлар синфдошларига ҳам, устозларига ҳам, ота-оналарга ҳам хуллас, барча давра қатнашчиларига манзур бўлди.

Жажжи ўғил-қизларни «Алифбе» байрами муносабати билан мактаб директори Шоира опа Сулаймонова, илмий бўлим мудириаси Башорат опа Ҳусанова, ота-оналар самимий муборакбод этдилар. Синф раҳбари Амина Ахтамовага ташаккур изҳор қилдилар. Байрамда ўқувчиларга совға-саломлар улашилди.

**Эшонкул ҚАНДИМОВ**
**Тошкент шаҳри**

* * *

## ОЛМАНИ КИМ ТЕЗ ЕЙДИ?

Олий тоифали муаллима Саодат Хўжақулова ҳамда биринчи тоифали ўқитувчи Марзия Маматмусаевалар раҳбарлик қилаётган 1«А», 1«Б» синф ўқувчиларининг «Алифбо байрами» ғоят завқли, эсда қоларли бўлиб ўтди. Саводхонлик байрамига У. Юсупов номидаги 14-мактаб жамоаси билан биргаликда ота-оналар, ҳомий ташкилот вакиллари ташриф буюришди.

«Алифбе байрами»ни мактаб директори Ғ. Алижонов қисқача табрик сўзи билан очиб, мактаб, ота-оналар ва жамоатчилик вакилларининг сўнгги пайтдаги ўзаро амалий ҳамкорликлари туфайли бир қатор ижобий ишлар қилинганлигини мамнуният билан таъкидлади.

Шундан сўнг 1-синфнинг кичкинтойлари билимларни қай даражада ўзлаштирганликларини акс эттирган синовларни бошладилар. Айниқса, улар томонидан ижро этилган «Гулмисиз, райҳонмисиз?», аскияси, «Олмани ким тез ейди?» каби мусобақа-баҳси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Ҳар икки синф раҳбарлари ва ота-оналар қўмиталари кичкинтойларнинг кийиниши, одоб-ахлоқига эътибор беришганлиги йиғилганлар эътиборини тортди.

Ш. Рашидов туманидаги 14-мактабда бўлиб ўтган «Алифбе байрами» бу ерда ҳозир бўлганлар қалбида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**журналист**

Pedagogik texnologiya

# ДИДАКТИК ЖАРАЁН НИМА?

(учинчи мақола)*

Дидактик масалаларнинг учинчиси – «таълим (тарбия) мазмуни» ёки шундай ахборотлар мажмуасики, улар ёрдамида янги авлодларга умуминсоний (миллий) тажрибалар узатилади.

Нима учун биз юқорида «ихтиёрий танланган таълим мазмуни» деб таъкидладик? Бу ҳақда тасаввур ҳосил қилиш учун мавжуд ёндошувларга мурожаат қилдик. Таълим мазмунини билим, кўникма ва малакаларга ажратиш узоқ тарихга эга. Бу оқим ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қоляпти. «Таълим мазмуни деганда инсон ўқитиш жараёнида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ва характери тушунилади» (Г.Шукина). «Бироқ билим ва кўникмалар таълим мазмунини мукаммал ифодалай олмайди. Баъзи бир бошқа мазмун ҳам мавжудки, уларни ўзлаштирмасдан туриб ривожлантириб бўлмайди» (И.Лернер).

***Унда таълим мазмунининг тўлалигини, айниқса Эркин шахсни тарбиялаш мақсадини кафолатлайдиган таркибни излашга қандай ёндошиш керак?***

Таълим мазмунини лойиҳалашга киришилганда педагогик тизимнинг 1-элементи - мақсад билан ўзаро фарқланадиган томонларини ҳисобга олиш керак бўлади. Чунки ҳар иккаласида ҳам ўқув элементлари (ЎЭ) мавжуд. Аслида ҳам шундай, бироқ педагогик тизимнинг 1-элементини ишлаб чиқишда, юқорида таъкидлаганимиздек, унинг ўқувчилар ўрганиши лозим бўлган рўйхати келтирилади, холос ва у таълим мақсадини аниқлаш учун хизмат қилади. Таълим мазмунини ишлаб чиқишда эса ЎЭ бошқача маъно касб этади, яъни ахборотларнинг умумий ҳажмидан маълум қисми ЎЭ сифатида муайян ўқув юрти ўқувчиларига (талабаларига) етказилади. Сабаби, ҳозирги кунда фанларнинг ЎЭ ниҳоятда кўпдир, бироқ ҳар бир ўқув юрти турига қараб ЎЭ сони чекланади. Мисол тариқасида, айтайлик, физика ўқув фанини олайлик. Бу ўқув фани бўйича ЎЭ умумтаълим мактаб ўқувчилари учун алоҳида, ўрта махсус ўқув юртлари учун алоҳида, олий ўқув юртлари учун алоҳида аниқланади. Бунинг учун эса ЎЭ баёни – ўқув дастурлари ишлаб чиқилади.

***Ўқув дастури – бу ҳужжат ҳисобланиб бўлажак мутахассис шахсига қўйилган талабларга мос ҳолда таълим мазмунини ва уни талабалар томонидан ўзлаштиришни ташкил этиш усулларини ўзида акс эттиради.*** Ўқув дастурларида умуминсоний тажриба, шунингдек таълим ва тарбия тажрибаси маълум кўринишда (ёки шаклда) сақланади. Бу тажриба бўлажак мутахассислар ўзлаштириши керак бўлган турли хил ахборотлар ва улар ўқитиш жараёнида қандай узатилиши кераклиги тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади. Демак, ўқув дастури – бу инсон фаолияти тажрибасининг модели ёки бу тажрибанинг ахборотли модели экан. Нима учун «модель»? Чунки дастурда тажриба объектлари, маҳсулотлари эмас, балки улар матн тарзда маълум методлар – ахборотли моделлаштириш ёрдамида ифодаланади. Бундай ифодаланиш, одатда, модель деб юритилади. Шу боисдан, ҳар қандай дастур маълум умуминсоний тажриба ва педагогик фаолиятнинг ахборотли моделидир.

Ўқув дастурида ЎЭ мақсади аниқ белгиланиши, мазмуни эса маълум дидактик тамойиллар – тушунарлилик, илмийлик, кўрсатмалилик асосида қурилиши керак. Дастурда ўқув материалларининг тушунарли тарзда берилиши муҳим аҳамият касб этади. Ўқув материалининг тушунарли бўлиши учун у маълум мураккаблик даражасида баён этилади. Таълим мазмунини изчил ва кетма-кет ёритишда дидактикада ҳам оддийдан мураккабликка қоидасига риоя қилинади. Ўқув материалининг мураккаблиги ЎЭни паст абстракция поғоналаридан юқори абстракция поғонасига ўтишини тақозо этади. Демак, ўқув материалининг мураккаблиги ҳам абстракция поғоналарига мос ҳолда тўрт даражага бўлинади. Агар бир ўқувчи учун ўқув материалининг биринчи мураккаблик даражаси тушунарли бўлса, бошқаси учун тушунарсиз бўлиши мумкин. Аслида мураккаблик тушунчаси нисбийдир.

Шундай қилиб, ўқитувчи дидактик масалаларни аниқ белгилаб олиш имкониятига эга бўлди. Ўқитувчи фаолиятининг кейинги босқичи – бу дидактик жараён (ёки талабанинг ўқув-билиш фаолияти)ни лойиҳалаш ҳисобланади. Айнан шу дидактик жараён педагогик технологиянинг асосини ташкил қилади, ёхуд у белгиланган вақт ичида таълим (тарбия) мақсадига эришиш учун ЎЭ мазмунини талабаларга узатиш йўлларини аниқлаб беради.

***Хўш, дидактик жараён моҳияти нимадан иборат? Уларни лойиҳалашга қандай педагогик талаблар қўйилади?***

Психология ва педагогика фанида дидактик жараён мутахассис шахсини шакллантириш жараёни сифатида талқин этилади. Шу ўринда илмий раҳбарим акад. В.П. Беспалько билан бўлиб ўтган бир мунозара матнини қисқача келтириб ўтсам:

Н.С.: Владимир Павлович, сиз нима учун ўқитиш жараёнини дидактик жараён деб уқдирасиз, улар ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

В.П.: Ўқитиш жараёни «классик қоида»га бўйсунади, яъни ўқитувчи аудиторияга кириб дарс мавзусини эълон қилади-ю, дарҳол унинг мазмунини баён қилишга киришиб кетади. Дидактик жараён эса, ҳар бир дарс (маъруза)ни бошлашдан олдин талабалар диққатини жалб қила оладиган фаолият босқичи – мотивация (ички туйғу, куч, асос)ни вужудга келтиришдан бошланади. Ана шу мотивация босқичи ўқув-билиш фаолиятининг калити ҳисобланади.(февраль, 1981).

Шу масала бўйича кўплаб психологик-педагогик адабиётларни ва тадқиқотларни ўрганишга тўғри келди ва пировард натижада дидактик жараён ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги компонентлардан иборат эканлиги маълум бўлди: мотивация (М), талабанинг ўқув-билиш фаолияти (ЎФ) ва уни педагог томонидан бошқариш (Б). Унинг шартли формуласи:

*Дж = М+Ўф+Б.*

Бу жараён босқичларини ўрганишга киришамиз.

I. *Мотивация* – бу шахс ҳатти-ҳаракатини юзага келтирувчи ички ҳаракатлантирувчи куч, ҳиссиёт бўлиб, педагог уни бошқаришга ҳаракат қилади ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳисобга олади.

Ўқув-билиш фаолиятида мотивация ўз-ўзидан эмас, балки, ўқитувчи ёрдамида вужудга келтирилади. Ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ ҳолда ўқувчиларда ҳосил бўладиган мотивлар кучли ёки кучсиз бўлади. Демак, ўқитувчи ҳар бир дарс мақсадига (мазмунига) мос келадиган мотивация меъёрини аниқлаши лозим бўлади. Педагогикада талабаларни дарсга қизиқтириш йўллари хилма-хилдир. Бирмунча самарали бўлган методика – бу муаммоли вазиятларни машғулот бошида тузиш, тарихий материаллардан фойдаланиш, қисқа ўлчовли кинодарс ва ҳоказо.

Дидактик жараённинг мотивацион босқичи талабаларни билиш фаолиятига киришиб кетишини тезлаштиришга имкон беради. Бу фаолиятни керакли фаоллик даражасида ушлаб туриш учун уни ташкил этиш усулларини танлай олиши керак.

2. Педагогик жараён билан шуғулланувчи ҳар бир кишига маълумки, билимларни ўқувчилар (талабалар) томонидан ўзлаштириши уларнинг хусусий ***ўқув фаолияти*** (психологлар тилида – билиш фаолияти) натижаси туфайли рўй беради. Психологлар бу фаолият турини кенг қамровда ўрганиб чиқдилар ва унинг билим, ҳаракатларни эгаллашга олиб келадиган турли кўринишдаги тизимини аниқладилар. Бу ёндошишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай ўқув фаолияти (Ўф)нинг умумий схемаси бўйича қурилади ва ўзида йўналтирувчи (Йҳ) (мўлжалли), бажарувчи, (Бҳ) назорат қилувчи (Н) ва тузатувчи (Туз) ҳаракатларни мужассамлаштиради. Унинг рамзий формуласи: ***Ўф = Йҳ+Бҳ+Н+Туз.***

Бу ҳаракатларнинг барчаси ўқитувчи томонидан ёки дарслик ёрдамида турлича тўлиқликда ва турлича таълим назариясига таянган ҳолда бажарилиши мумкин.

Билиш фаолиятининг йўналтирувчи босқичида талабалар ўқув фани (мавзу) мақсади ва вазифаларини англаб оладилар ёки фаолиятни бажариш босқичлари, бажариш кетма-кетлигини ўрганиш, керакли воситаларни танлаш билан машғул бўладилар.

Билиш фаолиятининг иккинчи – ***бажарувчилик*** босқичида талабалар бевосита ўқув фани мавзуси бўйича ЎЭни кетма-кет ўрганадилар, фанлараро боғланишни кузатадилар ва ўз фаолиятини назорат қиладилар.

Кейинги босқичда мавзу бўйича ЎЭ ўзлаштириш даражаси ўлчанади ва эталон билан таққосланади. Агар ўзлаштириш даражаси паст бўлса, у ёки бу босқида йўл қўйилган хатолар ўқув фаолиятининг тузатувчи босқичида аниқланиб, тузатишга оид дидактик жараённи ташкил этади.

3. Дидактик жараённинг сўнгги таркибий қисми – ўқув-билиш фаолиятини ***бошқариш.*** Шуни қайд этиш жоизки, ҳар қандай ўқув фаолиятини бошқариш имконияти мавжуд. Бу тизим иккита объектдан – бошқарувчи ва бошқарилувчидан иборат бўлади. Агар дидактик жараёнда ўқитувчи бошқариш субъекти бўлса, ўқувчилар – бошқариш объектидир. Субъект узлуксиз равишда таълим мақсадига мувофиқ объектга бевосита ёки билвосита таъсир ўтказади. Объект ҳам ўз навбатида субъект томонидан ўрнатилган мақсад ва вазифаларни тўғри англаб етиши ва тўлиқ бажаргандагина ўқув фаолиятининг самараси тўғрисида фикр юритиш мумкин бўлади.

Педагогикада ўқув фаолиятини бошқаришнинг кибернетикада ишлаб чиқилган таснифидан фойдаланишади: очиқ, ёпиқ ёки циклик, ёйилган. Дидактик жараённи бошқаришда кўпроқ циклик турдаги бошқариш тизими қўл келади. Сабаби, зарурий ўқув ҳаракатлари тўғрисидаги ахборотлар оқими ўргатувчидан тўғри алоқа ёрдамида ўрганувчиларга узатилади, асосий операцияларни бажарганлиги ҳақидаги маълумотлар эса, тескари алоқа ёрдамида ўрганувчидан ўргатувчига узатиш имконияти мавжуд бўлади. Демак, ўқув фаолиятини бошқариш циклик тарзда, яъни «ўргатувчи –ахборот – ўрганувчи» тизими кўринишида амалга ошар экан.

Шундай қилиб дидактик жараённи лойиҳалаш қонуниятлари билан танишдингиз. Бироқ унинг ҳар бир босқичи илмий жиҳатдан асосланган ўқитиш методлари ва воситаларини танлашни тақозо этади. Дидактик жараённинг ҳар бир босқичига мос келадиган методлар таснифини биз ишлаб чиқдик. Улар уч гуруҳ методларидан ташкил топади: I-гуруҳ – ўқиш ва меҳнатга рағбатлантирувчи ва мотивацияловчи методлар; II – гуруҳ – ўқув фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари; III – гуруҳ – ўқув-билиш фаолиятини бошқариш методлари (қаранг: Сайидаҳмедов Н.С. «Методы обучения школьников механизированному труду» -Т: Ўқитувчи, 1991). Демак, дидактик жараён самарадорлигини белгиловчи омиллардан бири ўқитиш методларини дидактик жараён босқичларига мос ҳолда тўғри танлаш ва уларни оқилона чоғиштириш принципи экан.

Дидактик жараённи ташкил этишда ўқитувчи ўқув-билиш фаолиятининг ташкилий шакллари(6-элемент)ни ҳам таълим мазмунига мос ҳолда танлай олиши керак. ПТ ни лойиҳалаш шартларидан бири ҳам «ташкилий шакллар»ни танлаш ҳисобланади. Педагогикада ўқитишнинг ташкилий шакли деганда талабаларни ўқитиш жараёнида қўйилган ташқи шарт-шароитлар йиғиндиси тушунилади.

Маълумки, олий таълим тизимида талабаларнинг билиш фаолияти аудитория (маъруза, семинар, лаборатория, ўқув маслаҳати, синов, имтиҳон ва бошқа) ва аудиториядан ташқари (уйда, кутубхонада тайёргарлик, лойиҳалаш, тадқиқотчилик, тўгарак ва бошқа) машғулотлар киради. Педагог ўқув фаолиятининг шаклларини танлашда қуйидаги саволларга жавоб топиши керак бўлади: дидактик жараён иштирокчиси ким (ўқувчи, талаба, тингловчи) ва у қандай бошқарилиши керак (ўқув фаолиятини ўқитувчи бошқаради, автоматлашган синф ёрдамида, бошқа техник воситалар ёрдамида: кинофильм, компьютер, моделли таълим ва ҳоказо)?

Дидактик жараён у ёки бу техник воситалардан таълим мазмунига мос ҳолда узлуксиз қўллашни тақозо этади. Бу йўналиш ПТнинг мавжудлик шартларидан биридир.

Қуйида хулоса сифатида ПТни лойиҳалаш шартларини умумий тарзда келтириш мумкин: ташхисланувчан таълим мақсади; таълим мазмунининг минимумлари; фаолият учун таълим мақсади ва мазмунига мос келадиган муҳит; талабалар тафаккурини таълим мазмунига мос ҳолда шакллантириш; ўқитиш сифатини объектив назорат қилиш ва баҳолаш. ПТнинг ушбу назарий асосларини яхши ўзлаштирмасдан туриб унинг муваффақиятли лойиҳаланиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Нурали САЙИДАҲМЕДОВ,
ТошДУ қошидаги олий педагогика институтининг педагогика ва психология кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор

** (Биринчи, иккинчи мақолалар газетамизнинг 26 июнь 1998 йил ҳамда 15 январь 1999 йил сонларида)*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ УЧУН ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

## Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқув фанлари бўйича ўқув дастурларининг Республика танлови тўғрисида НИЗОМ

**1.Танловнинг мақсад ва вазифалари.**

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқув фанлари бўйича ўқув дастурларининг Республика танлови (бундан кейин Танлов) «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 4-сон қарорига мувофиқ янги турдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун юқори сифатли ўқув дастурлари яратиш ҳамда бу ишга Республикамизнинг интеллектуал ва новатор кучларини жалб қилиш мақсадида ўтказилади.

**Танловнинг вазифалари:**

— давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган, илғор таълим тизимига эришган хорижий давлатлар дастурлари билан рақобатбардош ўқув дастурлари яратиш;

— 1999-2000 ўқув йилида ташкил этиладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини сифатли ўқув дастурлари билан таъминлаш;

— ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини замонавий дарсликлар билан таъминлаш учун асос яратиш.

**2.Танловга тақдим этиладиган ўқув дастурлари ва ҳужжатларга қўйиладиган талаблар.**

Танлов шартлари ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган ўқув фанлари бўйича ўтказилади.

Танловга тақдим этиладиган ўқув дастурлари Низомнинг 2-иловасида баён қилинган давлат таълим стандартлари талаблари асосида тайёрланиши лозим.

Танловга ўқув дастурлари уч нусхада қоғознинг бир томонига ҳамда 3,5 дюймли дискетга ёзилган вариантда тақдим этилади. Дискетда файл «MS WORD» матн муҳарририда тайёрланиши ва «Н» «Ф» «С» форматда номланиши лозим. Бу ерда «Н» — ўқув дастурининг шартли (рамзий) номи, «Ф» – тегишли фан номи (қисқартилиши мумкин), «С» – соатлар миқдори (масалан, вектор матем (200)).

Танлов ҳайъатига ўқув дастурлари билан қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

а) дастурни яратишда қўлланган ёндашув, новаторлик ғоялари ва услубий хусусиятларининг тавсифи;

б) дастурни яратишда фойдаланилган манбалар рўйхати;

в) муаллиф(лар гуруҳи) ҳақида маълумотнома (3-илова).

**3. Танловни ўтказиш тартиби**

Танловда якка муаллифлар, муаллифлар гуруҳлари, муассасалар қатнашишлари мумкин. Ижодий гуруҳлар таркибига фаннинг хусусиятларидан келиб чиқиб хорижлик ёки амалиётчи мутахассислар жалб қилиниши мақсадга мувофиқ.

Танловнинг холислигини ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида у ёпиқ тарзда ўтказилади. Шу муносабат билан Танловга тақдим этиладиган дастур ва бошқа ҳужжатлар шартли (рамзий) ном билан белгиланади, муаллиф(лар гуруҳи) ҳақидаги маълумотлар эса алоҳида конвертга солиб муҳрланади ва конверт устига дастурнинг шартли номи ёзилади.

Танлов ҳақида эълон «Маърифат» газетаси орқали эълон қилинади. Танловга ҳужжатларни тақдим этиш муҳлати – эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой. Танлов котибияти манзили: Тошкент шаҳри. Мустақиллик майдони, 5, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази. (Давлат таълим стандартлари бўлими. 1304 хона. Тел. 1391610, 1394382). Танловга тақдим этилган ўқув дастурлари бир ой ичида экспертизадан ўтказилади. Экспертиза хулосалари асосида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг масъул мутахассисларидан иборат танлов ҳайъати томонидан ғолиблар аниқланади. Танлов ҳайъати аъзолари танловда иштирок этишлари ман этилади. Танлов ҳайъати ғолиб деб топилган ўқув дастурини давлат комиссиясига тасдиқлаш учун тақдим этиши, бир неча ўқув дастури асосида янги ўқув дастури ишлаб чиқиш ёки тақдим этилган ўқув дастурлари давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бермаслиги ҳақида қарор чиқаради.

Танлов ҳайъатининг қарори матбуот орқали эълон қилинади.

Ҳар бир фан бўйича танлов ғолиби деб топилган ўқув дастурлари учун қуйидаги мукофотлар белгиланади:

**битта 1-даражали мукофот (20 000 сўм),**

**битта 2-даражали мукофот (10 000 сўм).**

Ғолиб деб топилган ўқув дастурлари Танлов ҳайъати қарорига биноан 1999\2000 ўқув йилида академик лицей ва касб-ҳунар таълими муассасаларида жорий этиш учун қабул қилинади ҳамда дарслик яратиш учун асос қилиб олинади.

Танловда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг иштироки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати мажлисида кўриб чиқилади. Танловда фаол иштирок этиш Республика ўқув юртлари, таълим муаммолари билан шуғулланувчи ва илмий тадқиқот муассасаларининг бурчи бўлиб, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга жорий қилиш соҳасидаги амалий ҳиссаси деб баҳоланади.

**Танлов низомига 1-илова**

### ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ ТАНЛОВИ УЧУН ФАНЛАР РЎЙХАТИ

Ўқув дастури тузиш учун танлов эълон қилинган фан номи ва дастур неча соатга мўлжалланганлиги келтирилади. Шунингдек фаннинг мақсади (тавсия тариқасида) тавсифланади. Дастурнинг мазмуни муаллифлар томонидан белгиланиб, танлов объектини ташкил қилади. Унда умумий ўрта таълим ва олий таълим дастурлари билан узвийлик ва кетма-кетлик таъминланиши лозим.

**1.ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ (80)**. Давлат тилида муомала қилиш ва иш қоғозлари билан ишлашга ўргатиш, компьютерда ҳужжатлар тайёрлаш малакасини бериш.

**2.ОНА ТИЛИ ва АДАБИЁТ (120).** Мактаб фанининг давоми. Она тили ва адабиёт ҳақида билимларни такомилга етказиш, шу асосда ўқувчиларда миллий қадриятлар, Ватанга муҳаббат туйғусини ўстириш, жаҳон адабиётининг мумтоз намуналари воситасида умумбашарий қадриятларга ҳурматни шакллантириш.

**3.ЎЗБЕК ТИЛИ (120, бошқа тилдаги гуруҳлар учун).** Мактаб фанининг давоми. Ўзбек тили ҳақида билим бериш, давлат тилида эркин сўзлашувга ўргатиш, ўзбек адабиётининг намуналари билан таништириш ва шу асосда Ўзбекистон билан фахрланиш туйғусини, халқлар ўртасида дўстлик ғояларини сингдириш.

**4.РУС ТИЛИ (120, ўзбек тилидаги гуруҳлар учун)**. Мактаб фанининг давоми. Рус тили ҳақида билим бериш, рус тилида муомала малакасини такомиллаштириш, рус тилидаги ўқув ва илмий адабиёт, маълумотномалардан эркин фойдалана олишга ўргатиш, халқчил рус адабиёти билан чуқурроқ таништириш ва шу асосда халқлар ўртасидаги дўстлик ғоясини тарғиб қилиш.

**5—7. ИНГЛИЗ, НЕМИС, ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ (160)**. Мактаб фанларининг давоми. Хорижий тилда сўзлашиш, ўқиш ва ҳужжатлар билан ишлашга, ёзишмалар олиб боришга ўргатиш, шу асосда тегишли мамлакат(лар) адабиёти, тарихи, маданияти ва бугунги ҳаёти ҳақида, Ўзбекистон билан алоқалари ҳақида маълумот бериш. (Инглиз, француз ва немис тилларининг ҳар бири бўйича алоҳида дастур тузилади).

**8.ТАРИХ (160).** Мактаб фанининг давоми. Ўзбекистон тарихини чуқур ўргатиш, шу асосда ўқувчиларда Ватанга муҳаббат ва фидойилик туйғусини ривожлантириш. Тарих фанининг илмий методлари билан таништириш. Жаҳон тарихини цивилизацион ёндашув бўйича баён қилиш, Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган цивилизацияларнинг тарихдаги ўрни ва жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида, Ўзбекистон Республикаси — Ўзбекистон тарихида цивилизациянинг юқори босқичи эканлиги ҳақида билим бериш.

**9.МАТЕМАТИКА (200).** Мактаб фанининг давоми. Математик билимлар билан қуроллантириш, шу асосда алгоритмик, аналитик, синтетик, индуктив, дедуктив, конструктив, эвристик, комбинаторик ва статистик мушоҳада қобилиятини тарбиялаш, геометрик тасаввур ва абстракт тафаккурни ривожлантириш.

**10. ИНФОРМАТИКА (120)**. Мактаб фанининг давоми. Информатика билимлари билан қуроллантириш, амалий аҳамиятга эга программалар тузишга ўргатиш, компьютерлар ва программавий воситалар имкониятлари, ривожланиш тенденциялари ҳақида билим бериш, компьютерлардан амалда фойдалана олиш кўникмасини, клавиатурада ишлаш малакасини ҳосил қилиш.

**11. ФИЗИКА (160)**. Мактаб фанининг давоми. Физика билимлари билан қуроллантириш, тажриба ўтказиш, унинг натижаларини қайта ишлаб хулосалар чиқаришга, табиат ва техникада кечадиган жараёнлар моҳиятини билишга, физика билимларини техникага татбиқ қилишга ўргатиш.

**12. АСТРОНОМИЯ (40)**. Астрономик билимлар билан қуроллантириш ва шу асосда шахснинг илмий дунёқарашини шакллантириш, буюк астроном ватандошларимизнинг хизматлари билан таништириш, ўқувчиларда кашфиётларга интилиш туйғусини, янги ғояларни қабул қилиш қобилиятини ўстириш.

**13. БИОЛОГИЯ ва ЭКОЛОГИЯ** (80). Мактаб фанининг давоми. Биология ва экология билимлари билан қуроллантириш, шу асосда шахснинг илмий ва экологик дунёқарашини шакллантириш, Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлигини таъминлаш, табиатини асраш эътиқодини ривожлантириш.

**14. КИМЁ (80)**. Мактаб фанининг давоми. Кимё билимлари билан қуроллантириш, табиат, қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги кимёвий жараёнлар моҳиятини билишга ўргатиш, сув, ҳаво ва тупроқни кимёвий булғанишдан муҳофаза этиш эътиқодини шакллантириш.

**15. ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ (40)**. Мактаб фанининг давоми. Иқтисодий география билимлари билан қуроллантириш, Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, иқтисодий потенциали, геополитик мавқеи ҳақида чуқур билим бериш ва шу асосда ривожланган давлат қуриш ғоясини сингдириш.

**16. МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ (40).** Миллий ўзбек маънавиятига оид билимлар, хусусан, миллий мафкурамизга ёт ғоя ва оқимлардан ҳимоя қилувчи билимлар билан қуроллантириш, шу асосда маънавияти бой, ватанпарвар, тўғри сўз, принципиал юксак хулқли ёшларни тарбиялаш, уларни комил инсон бўлишга йўналтириш, буюк ватандошларимизнинг ислом таълимотига қўшган ҳиссаси, тасаввуф ахлоқи ҳақида тушунча бериш.

**17. ДАВЛАТ ва ҲУҚУҚ (80).** Мактаб фанининг давоми. Ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш, Ўзбекистонда давлатчилик тарихи ҳақида, ҳуқуқий демократик ва ривожланган давлат қурилиши, Ўзбекистон Конституцияси, қонунчилигининг тараққиёти ҳақида билим бериш.

**18. ЭСТЕТИКА (40).** Мактаб «Тасвирий санъат» ва «Мусиқавий маданият» фанларининг давоми. Ўқувчиларда эстетик дид ва маданиятни шакллантириш, мумтоз ва замонавий санъат турлари билан таништириш, уларнинг маънавиятини бойитиш.

**19. ДИЗАЙН АСОСЛАРИ (40).** Дизайнга оид билимлар билан қуроллантириш, компьютерда дизайн лойиҳаларини тайёрлашга оид билим бериш, интерьер ва экстерьер дизайни билан таништириш, ўқувчиларда гўзалликка интилишни, Ватанни обод қилиш туйғусини ривожлантириш.

**20. МАШИНАСОЗЛИК ЧИЗМАЧИЛИГИ (120, саноат, алоқа соҳаси учун).**

**21. ҚУРИЛИШ ЧИЗМАЧИЛИГИ (80).**

**22. ЭЛЕКТРОТЕХНИКА (100).**

**23. ТЕХНИК МЕХАНИКА (60).**

**24. МЕҲНАТНИ МЕЪЁРЛАШ (40).**

**25. СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ (40).**

**26. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ (40).**

**27. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ (120).**

**28. ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МАҲСУЛОТЛАРИ (140).**

**29. ПАРДОЗЛАШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ (қурилишда, 180).**

**30. КИЙИМ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.**

**Изоҳ.** ***Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг бошқа фанлари бўйича ўқув дастурлари 1999-2000 ўқув йили учун буюртма ва шартнома асосида ишлаб чиқиш кўзда тутилган.***

**Танлов низомига 2-илова**

### ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ ҚАНОАТЛАНТИРИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

**1. ЎҚУВ ДАСТУРИНИНГ РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИГА ТАЛАБЛАР**

Ўқув дастури беш қисмдан иборат шаклда расмийлаштирилиши лозим:

1-қисм. Муқаддима: дастурнинг мақсади, вазифалари, жаҳон практикасида амал қилаётган дастурлар билан қиёсий таҳлил.

2-қисм. Услубиёт: дастурнинг хусусиятлари ва бажариш бўйича услубий йўл-йўриқлар.

3-қисм. Мазмун: блокларга ажратилган мавзулар, ишлар, назоратлар мундарижаси, мазмуни, уларга ажратилган соатларнинг кўрсаткичлари.

4-қисм. Билим стандарти: мавзулар бўйича зарурий ва етарли билим даражасини белгиловчи саволлар мажмуаси.

5-қисм. Адабиёт: дастур ўзлаштирилишини таъминлаш учун зарурий дарсликлар ва қўлланмалар рўйхати. Рўйхат дастур мазмунининг камида 80 фоизини қамраши лозим.

Ўқув дастурига муаллиф(лар гуруҳи) томонидан бошқа иловалар қўшилиши мумкин.

**II. ЎҚУВ ДАСТУРИНИНГ МАЗМУНИГА ТАЛАБЛАР**

2.1. **Тарихийлик.** Фан тарихи, ривожланишининг хусусиятларини акс эттириш. Фанга улкан ҳисса қўшган олимлар ва тарихий шасхлар ҳаёти ва фаолияти билан таништириш.

2.2. **Замонавийлик.** Фаннинг ҳозирги тараққиёт даражасига мувофиқ билим бериш.

2.3. **Гуманитарлик.** Инсонпарварлик, элпарварлик ва эзгулик ғояларига амал қилиш.

2.4. **Халқаро стандарт.** Таълим тизими турлича бўлган камида иккита ривожланган хорижий давлатда амалда бўлган мутаносиб ўқув дастурлари билан муқояса қилинганлик.

2.5. **Рақобатбардошлик.** Ривожланаётган давлатларда амалда бўлган ёки ишлаб чиқилаётган мутаносиб ўқув дастурларига нисбатан рақобатбардошлик.

2.6. **Миллийлик.** Марказий Осиёда яшаган ёки фаолият кўрсатган ёки ўзбек тилида ижод қилган олимлар ва тарихий шахсларнинг фан ривожланишига қўшган ҳиссасини чуқур илмий асосланган тарзда баён қилиш.

2.7. **Изчиллик.** Фан ҳақида систематик, мантиқий муқобиллик ҳамда умумий ўрта таълим ва олий таълимга тааллуқли мутаносиб фан дастурлари билан мувофиқлаштирилганлик.

2.8. **Жозибадорлик.** Ўқувчиларни фанга қизиқтириш ва қизиқишини ўстириш, осондан мураккаб томон баён услубини қўллаш.

2.9. **Амалийлик.** Фанни ҳаёт билан, назарияни амалиёт билан узвий боғлайдиган услубиётга риоя қилиш.

2.10. **Новаторлик.** Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлидан ривожлантириш стратегияси ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиқиб, новаторлик, янги педагогик технологиялар, таълим соҳаси инновацияларига очиқлик.

**Танлов низомига 3-илова**

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТНОМА

1. Фамилияси ва исми
2. Иш жойи, лавозими.
3. Қачон, қайси, олий ўқув юртини қандай мутахассислик бўйича битирган?
4. Қачон, қаерда, қайси соҳа бўйича аспирантура (докторантура) ўтаган, малака оширган, диссертация ҳимоя қилган?
5. Қайси хорижий давлатлар таълими бўйича ўқув дастурлари билан таниш?
6. Қайси хорижий давлатлардаги амалдаги дарсликлар билан таниш?
7. Компьютерда қайси матн муҳаррири (редактори) ва график муҳарририда ишлаш тажрибасига эга?
8. Ёзган китоблари:...
9. Хизмат ва уй телефонлари, ёзишмалар учун адрес.
10. Муаллиф кўрсатишни лозим топадиган бошқа маълумотлар.

